

олинган кўзиларга нисбатан 26,0% кўпроқ олинган. Жун толасининг оқарган қисмининг узунлиги 10/4 ва 10/5 қисмини ташкил қилган кўзилар салмоғи гомоген жуфтлашдан олинган кўзиларда 26,0% ни ташкил этиб, гетероген жуфтлашдан олинган кўзиларга нисбатан 11,0% кўроқ олинган. Жадвал маълумотларидан шундай хулоса қилиш мумкинки бир хил жуфтлашдан олинган кўзиларда, рангнинг аъло даражада ифодаланиши ва жун толаси оқарган қисмининг узунлигикўпроқ бўлган.

Сур қоракўл кўзиларнинг терисининг чиройли бўлиши уларда шу рангнинг намоёнлиги ва жун толасини қорамтил зонасидан оқарган зонасидан айириб турадиган чегарасининг аниқлиги ҳам таъсир кўрсатади. Сур рангининг ифодаланиши ва жун толасининг қорамтир асосдан оқиш учга ўтиш чегараси аниқ (контраст) бўлса тери шунча чиройли бўлади. Аксинча сур рангининг ифодаланиши паст бўлиб, ўтиш чегараси ноаниқ бўлса тери ўз жозибасини йўқотади. Биз ўз тажрибаларимизда келиб чиқиши бир хил ва ҳар хил бўлган кўзиларда сур рангининг намоёнлиги ва оқарган чегарасини аниқлигини ўргандик. Олинган маълумотлар 2-жадвалда мужассамлаштирилган.

2-жадвал

Кўзиларда сур рангининг ифодаланиши ва контрастлиги

Кўзиларнинг келиб чиқиши	n	Сур рангининг ифодаланиши						Контрастлиги			
		очик сур		нормал сур		қора сур		бирдан ўтган (резкий)		асос секин ўтган(смитий)	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
♂ кумуш х ♀ тилло сур	50	3	6,0	29	58,0	18	36,0	11	22,0	39	78,0
♂ кумуш х ♀ кумуш сур	50	13	26,0	31	62,0	6	12,0	28	56,0	22	44,0

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатиб турибдики, отаси ва онаси кумуш рангбаранг бўлган кўзиларда рангнинг ифодаланиши ва жун толасининг қорамтир асосдан оқиш қисмига ўтадиган чегараси аниқ бўлиши хосдир. Гомоген жуфтлашдан олинган кўзиларда сур рангининг ифодаланиши аъло бўлганларининг салмоғи 26% ни ва яхши бўлганлари 62%ни ташкил этади. Отаси кумуш рангбарангликка онаси эса тилло рангбарангликда бўлган кўзиларда эса бу кўрсаткич тегишлича 6,0 ва 58,0%ни ташкил этди.

Жун толасида ранг контрастдлиги аниқ бўлган кўзилар биринчи гуруҳда 24,0%ни ташкил этган бўлса, гомоген жуфтлашдан олинган иккинчи гуруҳ кўзиларида эса 56,0% ни ёки 34,0%га кўпдир. Олинган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, отаси ва онаси кумуш рангбаранг бўлган кўзиларда сурлик юқори даоажада ифодаланиб ранг контрастлиги юқори бўлган кўзилар салмоғи ҳам юқори бўлади.

Хулоса.

1. Гомоген жуфтлашдан фойдаланиш, улардан олинган кўзиларда сур рангининг ифодаланишини яхшилайти ва жун толасининг оқарган қисмининг узунлиги ошади.

2. Сур рангли кўйлар билан наслчилик ишини олиб боришда жуфтланадиган кўчқорларда сурли хусусиятларининг ифодаланишига аҳамият бериш керак бўлади.

3. Сур рангли кўчқорларни наслга қолдиришда отаси ҳам онаси ҳам кумуш рангбарангликда бўлишига эътибор бериш керак бўлади.

АСАЛНИНГ ҚАЛБАКИЛАШТИРИЛГАНЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Д.Насимова – магистратура талабаси, С.Муродов – илмий раҳбар, доцент

Анатация. Аҳоли томонидан етиштирилаётган асал истеъмол қилинишидан олдин албатта санитария кўригидан ўтказилиши лозим. Асалнинг қалбакилаштирилиши унинг сақланишида ва истеъмол қилинишида салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Асал таркибига ҳар хил аралашмаларни қўшилиши унинг бижғишига, ачишига сифатининг

бўзилишига олиб келади. Шу сабабли асални органолептик ва лаборатория усулларида текшириш талаб этилади.

Калит сўзлар: диастаза, метил кўки, хлорли барий, шовул кислотаси, нашатир спирти

Табиий асал инсон соғлиги учун муҳим озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланади. Табиий асал истеъмол қилинганда инсоннинг кайфиятини кўтаради, тетиклаштиради, хушчаҳчақ қилади, иштахани очади ва хоказо. Асал ўзининг табиийлигига кўра юқори тўйимли ва доривор озиқ овқат ҳисобланади. Кўпгина маълумотлардан шу нарса аниқланганки яъни бир томчи асалнинг таркибида 100 дан ортиқ ҳар ҳилдаги одам организми учун керак бўлган моддалар мавжуд. Асалари асалнинг факатгина тоза глюкоза ва фруктозадан иборат десак ҳам хато қилмаган бўламиз. Табиий асалнинг кимёвий таркиби қуйидагича курук қолдиқ ўртача 83,3% сув 16,4, инверт шакари 74,9, шакар камиш шакари 1,9, органик кислоталар 1,108, кул 0,184, крахмал моддалар 0,43 %. Бу кўрсаткич маълум даражада ўзгариб туради. Бу эса географик ва иқлим шароитига ўсимликларнинг турига ҳамда йилнинг қайси вақтида асал олинганлигига (фаслига) боғлиқ.

Асал таркибининг меъёридан ортиқ даражада ўзгариши унинг қалбакилаштирилганлигини яъни турли нарсаларни қўшилганлигидан далолат беради.

Мавзу бўйича бажариладиган ишларни амалга ошириш учун Сиеб деҳқон бозоридаги ветсанэкспертиза лабораториясида ҳамда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти, ветеринария факультетидаги Хайвонлар касалликлари ва паразитология кафедраси лабораториясида амалга оширилди. Асални текшириш учун 7 хилдаги тахминан уртача 200 грамдан намуналар олиб келинди. Олиб келинган асал органолептик ва лаборатория усулларида текширилди ва олинган натижалар қуйидагича эътироф этилди.

Асални органолептик текшириш ва унинг натижаси

Намуна	Асални хиди	Асални консистенцияси	Асални ранги	Асални хушбўйлиги	Асални таъми
1-намуна	Ўзига хос	Қаттиқ	Оқ	Хушбўй	Ширин
2-намуна	Ўзига хос	Қаттиқ	Оқ	Хушбўй	Ширин
3-намуна	Ўзига хос	Суюқ	Сарик	Уткир хидли	Ширин
4-намуна	Ўзига хос	Қуюқ	Сарик	Хушбўй	Ширин
5-намуна	Ўзига хос	Қаттиқ	Оқ	Хушбўй	Ширин
6-намуна	Ўзига хос	Қаттиқ	Оқ	Хушбўй	Ширин
7-намуна	Ўзига хос	Қуюқ	сарик	Хушбўй	Ширин

Намуна	1-усул		2-усул		3-усул	
	тиниқлиги	чўкма	тиниқлиги	чўкма	тиниқлиги	чўкма
1-намуна	Тиниқ	йўқ	Тиниқ	йўқ	Тиниқ	йўқ
2-намуна	Тиниқ	Йўқ	Тиниқ	Йўқ	Тиниқ	Йўқ
3-намуна	Хира	Бор	Хира	Бор	Хира	Бор
4-намуна	Тиниқ	Йўқ	Тиниқ	Йўқ	Тиниқ	Йўқ
5-намуна	Тиниқ	Йўқ	Тиниқ	Йўқ	Тиниқ	Йўқ
6-намуна	Тиниқ	Йўқ	Тиниқ	Йўқ	Тиниқ	Йўқ
7-намуна	Тиниқ	Йўқ	Тиниқ	Йўқ	Тиниқ	Йўқ

Органолептик текшириш жараёнида шу нарса аниқ бўлдики яъни 3-рақамдаги намунани хиди ўткир бўлиб, асалнинг таркибида ёд нарсаларнинг борлиги аниқланди.

Асални таркибидаги шиннини аниқлаш. Асал таркибидаги шиннини аниқлаш учун қуйидаги реакциялардан фойдаландик.

1. Хлорли барий билан реакция. Сузиб олинган 1:2 нисбатдаги асал эритма намуналарини 7 та идишларга тайёрлаб олдик. Эритма устига томчилатиб 10 % ли хлорли барий эритмаси томиздик ва намуналарни кузатдик.

2. Усул: 2-3 мл сузиб олинган 1:2 нисбатдаги асал эритмалари намуналарига томчилаб 5 % ли шовул кислотаси аммоний томиздик ва кузатдик.

3. Усул: Асал эритмаларини намуналарига кучли аммиак (нашатир спирти) кушдик ва кузатдик.

Тажриба жараёнида жами бўлиб 7 та асал намуналари текширилганда 3-асал намунасида шинни аралашмаси борлиги аниқланди.

Хулосалар.

1. Бозорларига сотиш учун киритилган барча турдаги асаллар тўлиғича органолептик ва лаборатория текширишдан ўтказилишлиги лозим. Ўзбекистон ҳудудида етиштирилаётган асалари асали икки хилда бўлиб табиий ва шира асалига бўлинади. Бу асалларни сотишдан олдин табиийлиги аниқланиб идишлари муҳирланиши керак. Лекин кўпчилик ҳолатларда сотилаётган асаллари эгаларида тўлиғича маълумот йўқ. Табиий асалга шинни аралаштириб сотилаётган ҳоллар ҳам учраб туради. Асалнинг табиий ҳолда аҳолига етиказиб берилишида биз томонимиздан текширишлар олиб боришимизни кучайтирмоғимиз зарурдир.

2. Сотилаётган асални қалбакилаштирилишини аниқлаш учун лаборатория усуллардан фойдаланиб унинг таркибини текшириш лозим. Тажриба жараёнида асалга шинни аралашмаси аралаштириб уни қалбакилаштирилаётганлиги аниқланди.

ЎҚУВ ТАЖРИБА ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ УНИТАР ҚОРХОНАСИГА ЯНА ҚОРАМОЛ ЗОТЛАРИ КЕЛТИРИЛДИ

**И.Рахмонов, Н.Сафарова – талаба,
З.Эгамбердиева – илмий раҳбар, ассистент**

Мамлакатимизда аҳоли сонининг ортиб бориши билан табиий равишда уларни озиқ-овқат маҳсулотлари жумладан, чорвачиликда етиштирилаётган истеъмол маҳсулот (сут, гўшт, тухум) ларига бўлган талаби ҳам ошиб боради.

Президент И.А.Каримов томонидан чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган қарорлари чорвачиликнинг ҳар бир тармоғини ривожлантиришга катта ҳисса бўлиб кўшилди.

Хусусан институтимиз қошида ташкил етилган ўқув тажриба хўжалиги Давлат унитар қорхонасида чорвачиликни ривожлантириш нафақат сон балким, сифат жиҳатидан такомиллашаётганини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шунинг таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3-ноябрдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини олий маълумотли, юқори малакали кадрлар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 311-сонли қарорини ижросини таъминлаш мақсадида институт қошидаги ўқув тажриба хўжалигига Давлат унитар қорхонаси мақоми берилди.

Ўқув тажриба хўжалиги Давлат унитар қорхонасининг фаолиятига ҳар йили институт раҳбарияти томонидан янгиликлар киритилиб борилаётганда.

Ҳозирги вақтда қорхонада чорва молларидан: қорамош, қўй, эчки ва туялар урчитилаётганда. Хўжаликдаги чорва молларининг сифат кўрсаткичларига эътибор 2011 йилдан бошланган эди. Ўша йилдан бошлаб хўжаликга қорамолларнинг соф қора-ола, қизил чўл ва бушув зотлари, қўйларнинг ҳисори, туяларнинг эса бир ўрқачли зотлари келтирилиб, урчитила бошланди. Шундан буён ҳар йили хўжаликда бўлаётган ижобий ўзгаришлар натижасида молларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари ошиб бормоқда. Институт раҳбарияти томонидан ҳар йили янги йил байрами арафасида институт ходимларини арзонлашган нархларда қорамош ва қўй гўшти билан таъминлаш ташкил этилади. Бу тадбир бевосита хўжаликда урчитилаётган қорамош ва қўйлардан етиштирилган маҳсулотлар эвазига амалга оширилаётганда. Энг асосийси эндиликда талабаларимиз қорамошлик, қўйчилик ва эчкичилик, ҳайвонларни озиқлантириш, сунъий уруғлантириш ва акушерлик ҳамда бошқа фанлардан олган назарий билимларини амалиёт билан боғлаб ўрганишга имконият яхшиланиб бормоқда. Хўжаликда 2015 йилда қорамолларнинг қора-ола, қизил-чўл, бушув